

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

10  
(1016)-son

8-mart

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Қалбларга қувонч, инсонларга шижоат бағишлаб гўзал ва бетакрор баҳор фасли кириб келди. Одамлар бежизга чехралари гул мисол зебо аёлларимизни фасллар келинчаги баҳорга ўхшатишмайди. Зеро, уларнинг ҳар иккиси ҳам нафосат ва латофат рамзи ҳисобланишади. Аёлларимизга ҳурмат-эҳтиром онларини бахш этувчи ажойиб байрам — Халқаро хотин-қизлар куни баҳорнинг илк ҳафталарида нишонланишида ҳам ана шу қиёс мужассам бўлса, не ажаб!

Доимий анъанага кўра, биз ҳам аёллар байрамига бағишлаб махсус кўшсаҳифа тайёрладик. Бу саҳифамиз соҳибалари эса одамларга нур, тафаккур тарқатаётган ажойиб маскан — республикаимиз вилоятларидаги ахборот-кутубхона марказларининг жонқуяр раҳбарларидир.

*Нафосат, назокат  
рализидир аёл!*




4-5-бетлар

## Сўнги янгилик!

Nokia Siemens Networks компанияси LTE (4G) тармоғида маълумот узатишда янги рекорд ўрнатди: алоқа каналининг ўтказувчанлиги

1,429 Гбит/сонияни ташкил этди. Тизимдан бир пайтнинг ўзида катта ҳажмдаги файллар ва юқори тиниқликдаги видео трансляциясида фойдаланилди.

Мутахассислар тажриба сифатида Flexi Multiradio 10 тижорий база станциясини ишла-тишди.



Алоқа оламида

## Ушбу сонда:

**Масофали ўқитиш манзилларни боғлайди** 2

**Энг яхши рационализаторлик таклифлари** 3

**Проводятся работы по внедрению гибридных денежных переводов** 6

**Олима, оқила, меҳрибон...** 12

**Устозимиз — фаҳримиз!** 13

**Илм излаётганлар** 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

## Umadan umagacha

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари тошпирилмоқда. Шунингдек, республикада мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларида таҳсил олиш баробарида спорт билан мунтазам шуғулланаётган кам таъминланган оила фарзандларидан 190 минг нафарига ҳам спорт кийимлари тошпириляпти.

Жорий йилнинг 2 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисини шу йил 23-24 март кунлари Тошкент шаҳрида чакириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Офицерлар марказий уйида Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ва Қуроли Кучларининг 20 йиллигига бағишланган "Энг гўзал харбий аёл" кўрик-танловининг якувий босқичи бўлиб ўтди. Танловда Марказий харбий округнинг харбий қисмида шартнома асосида хизмат қиладиган оддий аскар Нодира Мираева биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Тошкент олий харбий кўмондонлик билим юртини кичик сержанти Зебинисо Валихонова ва Шарқий харбий округда шартнома асосида хизмат қиладиган оддий аскар Мавлуда Шамсиддиновага насиб этди.

Урганч шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғамалари махсус грантларининг тақдимот акцияси ўтказилди. Мазкур тадбирда "Таълим грантлари", "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар" ва "Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган грантлар" дастурлари ҳақида олий ўқув юртининг талабалари, иқтидорли ёшлар, тадбиркор аёллар, шунингдек, жамоатчилик вакиллари батафсил маълумот берилди.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси аҳолига қулайлик яратиб мақсадида электр энергиясидан фойдаланиш ва ҳисоб-китоб қилиш бўйича Дастурий таъминот марказини ташкил этди. Марказ истеъмолчиларга интернет ҳамда мобил телефонлар орқали электр учун тўловлар ва қарздорлик ҳақида тезкор маълумотлар олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Қуала-Лумпурдаги "Роял Чулан" меҳмонхонасида тантанали қабул маросими бўлиб ўтди. Маросим катнашчилари Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган пайтдан буюн ўтган 20 йил мобайнида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш борасида қўлга киритилган муваффақиятлар тафсилотлари билан танишдилар.

Термиз Давлат университетда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу фармон асосидаги қарорига мувофиқ сезиларли ишлар амалга оширилди. Бундан рошпа-роса ўн йил муқаддам ташкил этилган ахборот технологиялари маркази ўз олдига қўйган мақсад доирасида фаолият кўрсатиб, қабул қилинган фармон ва қарор ижросини таъминлаш йўлида самарали хизмат қилмоқда.

Мухбиримизнинг марказ раҳбари Абдулла ЭСОНҚУЛОВ билан суҳбатда университетдаги туб ўзгаришлар ҳақида сўз боради.

# Масофали ўқитиш манзиларни боғлайди

— Ҳозирги кунда ўқув жараёни билан бир қаторда илмий-тадқиқот ишлари ҳам замонавий компютер воситалари ва масофавий ўқитиш имкониятлари бевоқифа Давлат стандартлари асосида жорий этилмоқда. Айтилган, университетда шу давр талабига яраша шароит яратилгани?

— Айни пайтда олий ўқув юртимизда жами 556та компютер мавжуд. Таъкидлаш керак, уларнинг 235тасини Pentium IV компютерлари ташкил этади. 228та компютер локал тармоқ ва интернетга уланган. Университет талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари 22та компютер синфи, иккита лингафон хонаси ҳамда ўн та электрон доскадан фойдаланмоқда. Бу замонавий шарт-шароитлар ўқитиш жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш, электрон ўқув қўлланмаларини яратиш, масофавий ўқитишни йўлга қўйиш, электрон кутубхона хизматидан фойдаланиш каби долзарб вазифаларни бажаришда катта аҳамият касб этмоқда.

— Шу ўринда бизни айрим амалий ишлар билан таништирсангиз?

— Кейинги йилларда профессор-ўқитувчиларнинг 350дан ортиқ маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалари, мақола ва монографиялари "ZiyoNET" ахборот-таълим порталига жойлаштирилди. Шу билан бирга, университетнинг янги [www.terdu.uz](http://www.terdu.uz) веб-сайти яратилди.

Ахборот марказида электрон каталог ва библиографик маълумотлар базаларини яратиш йўлга қўйилди. Университет ахборот технологиялари маркази мутахассислари ҳамда профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида 50та электрон дарслик ва қўлланмалар тайёрланди. Айни чоғда 200дан зиёд шундай манбалар мамлакатимизнинг бошқа олийгоҳларидан келтирилди.

— Хўш, бу электрон ўқув воситаларидан талаба-ёшлар қандай фойдаланишмоқда? Уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари сирү синоатлари билишнинг рағбатлантириш ва методик ёрдам кўрсатишга қанчалик эътибор қаратишмоқда?

— Шу мақсадда тайёрланган бешта услубий қўлланма Термиз Давлат университети илмий кенгаши қарори билан нашрдан чиқарилди ва талабаларга тарқатилди. Қизи-

қувчилар учун қўшимча машғулотлар олиб борилди. Харажатлар натижасидан қаноат ҳосил қилсак бўлади. Ҳозир барча талаба-ёшлар компютерда мустақил ишлаш лаёқатини мужассамлаштира олишган.

БМТ Тараққиёт дастури хомийлигида қўшимча компютер синфи ташкил этилди. "Компютер асослари", "Интер-

— Амалдаги ўқув йилидан эътиборан, Термиз Давлат университетда электрон таълим қатори масофали ўқитишни ҳам кенг йўлга қўйиш имконияти яратилди. Ахборот асри талабига мос бу янгиланиш илк машғулотлари ва истиқболга тўхтайдиган ўтсангиз?

— Аввало, университетимиз профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшларига шундай жаҳон андозасига яраша имконият яратишда ўз амалий ёрдамини кўрсатган Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлигига ўз миннатдорлигини билдираман. Йўлга қўйилган янгилан мамлакатимиздаги 80та олий ўқув юртини интеграциялашув асосида бир-бири билан боғлади. Энди ёшлар истиқболи йўлида чинакам амалий ҳамкорликда иш олиб боришга эга бўлди. Шу мақсадда университетимиз профессор-ўқитувчилари электрон доска билан ишлашни ўрганишга бағишланган махсус курсларга жалб этилди.

**Масофали ўқитиш орқали талаба-ёшларини дунёқарашда туб ўзгаришлар қилинади. Улар хориждаги машҳур олимлар дарсларини тинглаш билан бирга, талаба тенгдошлари билан ҳам мулоқотда бўлишади.**

Ўтган январ ойида дастлабки машғулотлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидagi Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси фракцияси, Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан "Электрон таълим ва масофали ўқитишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида электрон конференция ўтказилди. Бу тадбир ҳам янгиланиш жорий этиш йўл-йўриklarини ўрганишда ўзига хос дарс вазифасини бажарди. Энг муҳими, бу илк машғулотда танқидли олимлар билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам иштирок этишди. Шу боис электрон конференция катнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Келгусида масофали ўқитиш вилоятдаги ягона олий даргоҳимизни жаҳоннинг нуфузли ўқув юртлири жойлашган олис манзиллар билан ҳам боғлайди. Бу орқали талаба-ёшларимиз дунёқарашда туб ўзгаришлар қилинади. Улар хориждаги машҳур олимлар дарсларини тинглаш билан бирга, талаба тенгдошлари билан ҳам мулоқотда бўлишади.

— Биринчи навбатда, университетнинг археология ва этнография соҳаларидаги олимлари билан биргаликда [www.archeology.uz](http://www.archeology.uz) [www.etnografiya.uz](http://www.etnografiya.uz) веб-порталлари яратилди. Манбалар рус, инглиз ва немис тилларида жойлаштирилди.

Шу билан бирга, Мирзо Уллубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд археология институти

Нортожи ЗИЁЕВ  
суҳбатлашди

## ФАКТ

— Биринчи компютер — Z1 Конрад Цузе томонидан 1936 йили ясалган. Унинг иккинчи ишланмаси — Z2 1939 йили дунё юзини кўрди ва биринчи тўлиқ функцияли электромеханик компютер ҳисобланади.



# Таассуротларим бир олам

17 феврал ҳаётимда унутилмас кун бўлди десам муболага бўлмайди. Чунки 2012 йилнинг 16-17 феврал кунлари жонажон Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги мухташам "Симпозиумлар саройида" ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиб, мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг қутловини қирқдан ортиқ хорижий давлатлардан ташриф буюрган машҳур олимлар, нуфузли меҳмонлар билан биргаликда тўққизиланиб эшитиб, ҳаяжонланганимни яширолмайман.

Бу халқаро анжуман дунёда ўзини "Таълимдаги ўзбек модели" деб ном чиқарган ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг республикамиздаги барча олий таълим муассасаларига жорий этилишида бугунги кундаги ютуқлари, самараси ва тизимнинг ўзини оқилонга томонлари билан кўрсата олиши билан ўз вақтида ташкил этилган анжуман бўлди.

Юртбошимизнинг "1 октябр — ўқитувчилар кuni бошқа бирорта давлатда йўқ" деган сўзлари анжуманда ўтирган мураббий ўқитувчиларни руҳан кўтариб



**"Қизлар билимли бўлса эртага оиласи мустаҳкам бўлади" деган сўзларини тинглаб Президентимиз 2012 йилга бежизга "Мустаҳкам оила йили" деб ном бермаган эканлиги тингловчиларни ҳаяжонга солди.**

юборган бўлса, "Қизлар билимли бўлса эртага оиласи мустаҳкам бўлади" деган сўзларини тинглаб Президентимиз 2012 йилга бежизга "Мустаҳкам оила йили" деб ном бермаган эканлиги тингловчиларни ҳаяжонга солди.

Биз буни анжумандан кейин тушлик пайтида ёнма-ён ўтирган москвалик О.Олейникова билан суҳбат чоғида ҳам хис этиб турдик.

Москва Давлат Университетининг ректори В.Садовничи билан суҳбатлашганимизда республикамиздаги таълим тизимининг бугунги кун самараси ва келажиги

ҳақида илқ фикрларини эшитдим, айниқса, ундан МДУнинг Тошкент филиалида тахсил олаётган талабаларнинг ниҳоятда билим олишга чанқоқлиги, тиришқоқлигини эшитиб, Президентимизнинг "Мен ёшларга суянаман" деган сўзлари ҳақиқатга яна бир бора амин бўлдим.

Анжумандан олам-олам таассуротлар билан кўксимиз гурурга тўлиб қайдик.

**Ахрор ХАМРОЕВ,**  
ТАТУ Қарши филиали  
ахборот технологиялари  
факултети декани

# Байрам совғалари

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўсиб келаётган ўсмир қизлар кўнглини чароғон қилиш, уларга бир олам қувонч ҳада этишни ният қилган "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси номидан масъул ходимлар — компания бош директори ўринбосари Бахтиёр Кубеев, ходимлар бўлими бошлиғи Муқаддас Қодирова ҳамда касба уюшмаси қўмитаси раиси Мавжуда Адилвалар йўлга отландилар.

Улар Тошкент радиотехника ҳамда Мирзо Улуғбек информатика касб-хунар коллежларида бўлишиб, бир гуруҳ ўқувчи қизларга совғалар топширишди.



— Ёшлар бизнинг келажигимиз, — дейди Мавжуда Адилова. — Улар қалбига ёруғлик олиб кириш, эзгулик, яхшилик сари чорлаш биз катталарнинг бурчимиздир. Мустақил ҳаёт бўсағасида турган қизларимизнинг миннатдор нигоҳлари бизларни ҳам хурсанд қилиб юборди.

Ўз мухбиримиз

## Коллеж битирувчилари мамнун

Самарқанд ахборот технологиялари коллежида иш берувчилар билан коллеж битирувчи ўқувчилари, уларнинг ота-оналари ҳамда коллеж маъмуриятининг учрашуви ўтказилди.

Учрашувни коллеж директори Ақром Низовев кириш сўзи билан очиб, йирилганларни иш берувчилар ва меҳмонлар билан таништирди.

Тадбиркорлик ва кичик бизнесни янада ривожлантириш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан бизнес-режалар асосида кредитлар ажратилган. Иқтидорли ёшлар ўз куч ва ғайратларига ишонган ҳолда ҳар қандай масъулиятли ишларга бемалол қўл уришлари мумкин. Фарзандлари келажagini ўйлаган ота-оналар бундай ишларга бош бўлиб, тўғри йўл кўрсатиши даркор.

Бундан ташқари, ҳокимиятнинг www.samkor.uz сайтига кириб, ўқувчилар қандай ишга жойлаштириши мумкинлиги тўғрисида керакли маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

"Ўзбектелеком Интернетшл" қўшма корхонаси директори Хикмат Ҳақимов ўз сўзида корхонада "устоз-шогирд" аънаваларини йўлга қўйган ҳолда Самарқанд шаҳар телекоммуникациялар боғламаси 9 нафар коллеж ўқувчисини ишга олиш, бундан ташқари, Термиз, Қарши ва Жиззах шаҳарларидан келиб тахсил олаётган ўқувчилар бўлса, уларни ҳам ўз вилоятлари телекоммуникация корхоналарига ишга олиш имкониятлари борлигини таъкидлади.

Таъкидлаш керакики, Самарқанд ахборот технологиялари коллежи қошида компютерларни техник таъмирлаш ва уларга керакли техник хизматлар кўрсатиш бўйича кичик корхона очилиб, унда коллежда тахсил олаётган ва битирувчи ўқувчилар меҳнат қилишияти.

**Абдуғафур ХОТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

# Энг яхши рационализаторлик таклифлари

2011 йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига онд илмий-техник вазифаларни ҳал этиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда рационализатор ва ихтирочиларнинг ижодий салоҳиятидан тўлиққоқ фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти билан биргаликда "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги рационализаторлик таклифи ва ихтиро" республика танловини ўтказди.

Танловга алоқа ва ахборотлаштириш воситаларининг техник ҳолатини яхшилашга йўналтирилган 18та рационализаторлик таклифи бўйича ҳужжатлар тақдим этилди.

Танлов комиссиясининг 2012 йил 13 февралдаги йирилиш баёни қарорига мувофиқ қуйидаги рационализаторлик таклифлари муаллифлари ғолиб деб топилди.

Битта биринчи ўрин учун биринчи даражали диплом ва 1 млн. сўм пул мукофоти: "Модерниза-

ция аналогового телевизионного передатчика в цифровой формат стандарта DVB-T". Муаллифлари — "РРТМ" ДУК техник директори Б.Абидов ва ходимлари А.Садуллаев, А.Садиев.

Иккита иккинчи ўрин учун иккинчи даражали диплом ва ҳар бир ўринга 800 минг сўмдан пул мукофоти:

1. "CSD-10W" телевизион узатгичига олд кучайтиргич ўрнатиш". Муаллифлари — "РРТМ" ДУК ходимлари Ш.Саидов, Б.Бердиев ва О.Пардаев.

2. "Входное коммутационное устройство спутниковых приемных антенн в аппаратной формировании сигналов цифрового телевидения". Муаллифлари — "РРТМ" ДУК ходимлари Е.Пак ва С.Нугманов.

Учта учинчи ўрин учун учинчи даражали диплом ва ҳар бир ўрин-

га 600 минг сўмдан пул мукофоти:

1. "Схема резервирования с использованием спутникового модема DMD-20 по направлению Инста-Ташкент при использовании модуляции 16-QAM на передачу". Муаллифи — "Ўзбектелеком" АК "Бош Коммутация Маркази" филиали ходими Х.Сагатов.

2. "TVV-318 1кВтли телевизион узатгичнинг қувватини ГУ-36 B1 радиолампа орқали 5 кВтга ошириш". Муаллифлари — "РРТМ" ДУК ходимлари Ш.Саидов ва М.Қурбонов.

3. "Цифровой испытательный стол (ЦИС)". Муаллифлари — "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали директори А.Абдумунинов, техник масалалар бўйича директор ўринбосари А.Махаммадов ва ходими Г.Бабиқов.  
**Ғолибларни қутлаймиз!**

## Хавас қилган етади

**Х**алқимизда "Хавас қилган етади, хасад қилган кетади", деган ҳикматли мақол бор. Шунинг учун ҳам буви ва боболаримиз фарзандларига қарата "Яхши одамларни кўрсанг, улардай бўлиб юришни ният қилгин, шунда улардан ҳам кўпроқ мартабага эришасан", дея насиҳат қилишади.

Наманган вилояти ахборот-кутубхона маркази директори, вилоятда ўз ўрни, ўз хурмати бўлишига ҳалол ва фидокорона меҳнатлари туфайли сазовор бўлган Мавлудахон Жўрабоева ҳам яхшиларга хавас қилиб яшади ва асло кам бўлмади.

Мавлуда мактабини битириб, Кўкон шахридаги политехника техникумида ўқийди ва йўлланма билан

"Намангангаз" ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келади. Нурматжон билан шу ерда танишиб, турмуш қуришади. Рафикасининг орзуси ушалишини хоҳлаган Н.Жўрабоев Мавлуданинг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқишига шароит яратиб беради. 1985 йилда М.Жўрабоева мазкур институтнинг тарих ва жамиятшунослик бўлимини тугатади.

Сўнгра 38-мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари, директор вазифаларида ишлайди.

Мавлудадаги ташкилотчилик, фидойилик хислатларини кўрган Наманган шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари уни шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари вазифасига тайинлашади.

— Янги соҳани ўзлаштириш учун конференцияга қатнашганимга тўғри келди, — дейди Мавлудахон. — 2000 йилда Москвага "Рудамино мактаби" бўйича малака оширишга бордим. Айниса, Қримда ўтказиладиган Бутунжаҳон кутубхоначилари конференциясида бир неча бор иштирок этишимга катта ёрдам бўлди.



# У Нарвосат, назоқат

## Ишбилармон Зулфияхон

**Ш**ароф Рашидов номидаги Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Зулфияхон РАЗАХБЕРДИЕВА номини жиҳазликлар яхши билишади ва ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Зулфияхон ўзининг тиришқоқлиги, бошлаган ишнини охирига етказмагунча тинчмаслиги, изланиш, ўрганишдан чарчамаслиги, барчага бирдай меҳрибонлиги сабаб ана шундай эътиборга сазовор бўлди.

Республика рус тили ва адабиёти институтига аёло баҳоларга битирган Зулфияхон ораулари сари илдам қадам ташлаб бошлади. Иш фаолиятини 1990 йилда Форинш туманидаги "Намуна" номли 5-ўрта мактабда ўқитувчилликдан бошлаган ёш мутахассис китобга бўлган меҳ-

ри туфайли соҳасини ўзгартиришга қарор қилди. 1995 йилдан бошлаб Жиззах вилояти илмий-универсал кутубхонасида аввал кутубхоначи, сўнг бўлим мудирини, тинимсиз меҳнати сабаб 2002 йилдан вилоят ахборот-кутубхона марказининг директор ўринбосари лавозимига тайинланди. Бу даврда З.Разахбердиева ишбилармонлиги билан ҳамкасблари орасида эътибор қозонди.

2006 йили вилоятда Республика кутубхоналар директорлари Кенгашининг уюшқоқлик билан ўтказилишида фаол иштирок этиб, "Автоматлаштирилган кутубхоналарнинг техник ҳолати" номли услубий-қўлланма тайёрлади.

У 2011 йилдан бошлаб Жиззах вилояти ахборот-кутубхона марказининг директори лавозимида ишлаб келмоқда.



## Ишда раҳбар, оилада меҳрибон она

**Ж**амиятимизда шундай аёллар борки, улар ҳам раҳбарликни, ҳам оналикни ўривга қўядилар. С.Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Клара ДҮСЁРОВА ана шундай аёл.

Клара мактабини тугатган, ишлашга қарор қилди. У ўзи домий қатнаб юрган маскани — Яқсаб тумани марказий кутубхонасига кутубхоначилик вазифасига қабул қилинди. Кутубхоначиликнинг сир-асрорларини шу ерда ўрганган Клара Дусёрова бу касбини умр йўллари билан боғлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Давлат маданият институтида ўқиди. Йиллар ўтган сари унинг тажрибаси ҳам ортиб борди ва 2006 йили вилоят ахборот-кутубхона маркази директори этиб тайинланди.

Кларохон, ўқимишли, одобли фарзандларнинг онаси. Турмуш ўртоғи Холмат Бобоазаров билан тўрт нафар фарзандни эл каторига қўшишмоқда.



## Зиёхона соҳибаси

**Ф**арғона вилояти кутубхонасини анча йилдан бери оқила, ташкилотчи, меҳнатсевар бир аёл бошқармоқда. Юзларидан самимият таралиб турувчи, сарвқомат бу аёлни элдошлари ҳурмат қилишади, тўй-маъракаларда давранинг тўрини илинишади. Вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Дилоромхон ШУКУРОВА бундай эътиборга жонқуярлиги ва фидойилиги туфайли сазовор бўлган.

Мактабини битиргач у Кува тумани марказий кутубхонасига ишга кирди. Кутубхоначи, катта кутубхоначи, бош кутубхоначи вазифаларида ишлай туриб Тошкент Давлат маданият институтида сирдан ўқиди. Олий маълумотли бўлгач, у вилоят болалар кутубхонасига ишга ўтди. Бу кутубхонада методист, директор ўринбосари, Фарғона шаҳар марказлашган кутубхоналар тизимида директор ўринбосари бўлиб ишлади. 1998 йилдан бери вилоят кутубхонасини бошқармоқда.

— Касбим менинг фахрим, — дейди Дилоромхон. — Шу касб туфайли элда обрў орттирдим. Бундан кейин ҳам ҳозирги куч-ғайрат билан ишлашда давом этаман.



## Китобга ошно қалблар

**П**ойтахтимиздаги 16-мактабини аёло бўҳолар билан тугатган Светлана ўқинини Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначилик факултетида давом эттирди.

Мақсади зиё масканида ишлаб, илм истовчиларга яқиндан ёрдам бериш эди. У олийгоҳни тамомлаб, 1983 йили пойтахтнинг марказий "Билим" кутубхонасига ишга кирди. Дастлаб ишни методик бўлим методистлигидан бошлаган С.РЫБКИНА кейинчалик шу бўлим катта методисти, сектор мудирини, кутубхона реклама ва маркетинг ташкилий-методик ишлари бўйича бўлим мудирини, кутубхона ахборот-кутубхона марказига айлантирилгач марказ илмий-методик бўлими мудирини вазифасида меҳнат қилди. 2008 йилдан бошлаб эса мазкур кутубхонага раҳбарлик қилмоқда.

— Кутубхоналар дастлаб ташкил этилганидан бошлаб асрлар мобайнида би-

лим ва тафаккур манбаи сифатида эзгуликка, таракқиётнинг ривожига хизмат қилиб келмоқда, — дейди Светлана Геннадьевна. — Шунинг учун ҳам одамлар бутабарруқ масканида эъзозлаб нурхона, зиёхона деб атайдилар. Шундай маскада меҳнат қилаётганимдан бахтиёрман.

Светлана Рыбкина бахтли оила бекаси ҳамдир. Унинг турмуш ўртоғи Михаил Бриль пойтахтимиздаги 243-мактабда ўқитувчи. Уларнинг икки нафар фарзандлари бор.



**Х**аётда шундай одамлар борки, улар ҳар бир соат, ҳар бир дақиқага бирор вазифани юк-лаб яшайдилар. Бундай одамларнинг биров билан беҳуда гапларни гаплашишга вақтлари бўлмайди, аксинча, режалаштирган ишларини бажаришга улгуриш учун елиб-югурадилар. Шариф шаҳар Бухоронинг хурматга сазовор, эл эъзозидоғи аёлларидан бири Мамлакат САМАДОВАни ҳам ана шундайлар қаторига қўшиш мумкин.

Мамлакат 1956 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1974 йилда мактабни тугатиб, шаҳар маданият бўлимида ишлаб бошлаган. 1976 йилда Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхонашунослик факултетида ўқишга кириб, уни 1981 йилда тугатган.

1978 йили институтнинг 3-босқич талабалиги вақтида, Бухоро вилоят

## Раҳбарлик масъулияти

универсал илмий кутубхонасига ишга жойлашган ёш мутахассис шу йилдан бошлаб ёшларга хизмат кўрсатиш, китоб фондиди тўлдириш, ахборот-библиография ва илмий-услубий бўлимларда ишлади. Кутубхона иши бўйича устозлари ва бошқалар билан биргаликда ишни мукамал ўрганиб, ўзлаштириб борди. Илмий-услубий бўлимида ишлаган вақтларида вилоятдаги 453та туман ва шаҳар кутубхоналарига услубий ва амалий ёрдам бериш мақсадида жойларга чиқишлар уюштирилди. Мамлакат бу чиқишларда доимий иштирок этиб, ўзининг маслаҳатлари ва тавсияларини бериб келди. 1981 йили Москва шаҳрида малака ошириш институти-

да ўқиб, касбий кўникма ва малакасини оширди.

1986 йил ноябр ойдан Мамлакат Самадова вилоят универсал илмий кутубхона директори лавозимига тайинланди.

Мамлакат Самадова директорлик лавозимида ишлаётган даврларда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти кутубхонаси бир неча грантларга эга бўлди. Ушбу грантлар кутубхонада ҳуқуқий-ахборот секторини ташкил қилиш, кутубхона сайтини яратиш ва ўқув-тренинг марказини ташкил қилишга қаратилган халқаро грантлар эди.

Мамлакат Самадова уч нафар фарзанднинг меҳрибон онаси. Унинг икки



ўғли Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари институтини тугатиб, давлат корхоналарида ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Қизи эса ахборот-кутубхона марказида фаолият кўрсатиб келмоқда.

# Раҳбарлик аёл!

## Инжигулни ҳамма танийди

**Х**аётда касб орқали танилиш осон иш эмас. Бунинг учун ўша ниссонда касбига меҳр, одамларга яхшилик қилишга иштиёқ кучли бўлмоғи лозим. Қорақалпоғистон Республикаси ахборот-кутубхона маркази директори, ахил оиланинг севимли бекаси, тўрт нафар фарзанднинг меҳрибон онаси Инжигул ШАРАПОВА ана шундай инсонлардан бири.



Инжигул 1987 йил Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначилик мутахассислиги бўйича тамомлаб, 1987 йили Республика кутубхонаси илмий-методик бўлимида бош кутубхоначи лавозимида иш бошлади.

У йиллар давомида ўз устида ишлаб, билим ва тажрибасини мунтазам ошириб

борди. Ижодий изланиши, ишга бўлган муносабати туфайли кутубхона жамоаси орасида зиёли ва маънавиятли ходима сифатида катта ҳурмат ва эътибор қозondi. Бу хислатлар унга бўлган ишончнинг ортирди ва Инжигул раҳбарлик лавозимларига тавсия этилди. У 2002 йил Республика болалар кутубхонаси раҳбари, 2003 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси раҳбари ва 2006 йилдан буён эса Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-кутубхона маркази раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

И.Шарапованинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги туфайли Қорақалпоғистон Республикаси кутубхоначилари 2004 йилда "Президент асарлари билимдони" кўрик-танловига иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

## Ташкилотчи Гулнора

**Гулнора Исмоилова Андижон вилоятининг Бобур номидаги илмий-универсал кутубхонанинг ўсмирлар бўлими кутубхоначилиги вазифасига ишга келганида 20 ёшда эди.**



У жуда ёш бўлишига қарамай, изланувчанлиги, китобхонлар билан ишлашда янгилликка иштилувчанлиги, меҳнатсеварлиги туфайли 2000 йили 2-тоифали кутубхоначи, сектор мудир вазифаларига тавсия қилинди. У вилоятда биринчи бўлиб кутубхонада "Оилавий ўқишга ёрдам кафедраси"ни ташкил қилиш ва фаолиятини шакллантириш, туман кутубхоналарида ҳам бу тажрибани қўллашда жонбозлик кўрсатди.

Г.Исмоилованинг касбига бўлган қизиқиши, тиришқоклиги ва фидойилигини инобатта олган кутубхона маъмурияти 2002 йилда унга катта ишонч билдириб, китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимига мудир этиб тайинлади. Гулнорахон фаолияти давомида кутубхона йиллик иш режалари ортиғи билан бажарилши, вилоятдаги мавжуд корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш, улар учун жойларда қўчма ўқув заллари ташкил этилиши ва вилоят аҳолисига самарали кутубхона хизмати кўрсатилишида бор куч-ғайратини аямади. Гулнорахонда яхшигина ёзувчилик қобилияти ҳам мавжуд. У ёзувчи, шоирлар ҳаёти ва ижодига бағишланган оммавий тадбирлар учун сценарийлар ҳам ёзади ҳамда уларнинг юқори савияда ташкил этилишига ўз хиссасини қўшади. Жумладан, вилоят миқёсида ўтказилган "Энг яхши китобхон оила", "Маънавият маликалари" "Энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси" мавзуларида ўтказилган кўрик-танловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида Г.Исмоилованинг ўрни бекиёсдир.

Гулнора Исмоилованинг ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилиятини инобатта олган марказ жамоаси уни 2010 йилнинг март ойдан ахборот-кутубхона маркази директори лавозимига тавсия этдилар.

Гулнорахон изланувчан, камтар ва ўз ўрнида талабчан раҳбар ҳамда фаол аёл сифатида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини оширишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу туфайли у вилоятда ўз ўрни, ўз хурматига эга.

## Дунё кездди касби орқали

**Дунёнинг энг гўзал мамлакатларида бўлиш, у ердаги бетакрор манзараларни томоша қилишни орау қилмайдиган одам бўлмаса керак.**



Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази директори, ўзининг кўп йиллик халот ва фидокорона меҳнатлари билан вилоят аҳлига зиё улашиб келаётган Шаҳодат АХМЕДОВАга бундай бахт касби орқали насиб этди. Шаҳодатхон кутубхоначиликка оид турли халқаро анжуманларда қатнаша туриб Украина (1999 йил), Россия (2001 йил), Қрим (2001 йил), Америка Қўшма Штатлари (2004 йил), Москва (2005 йил) каби дунёнинг қатор мамлакат ва шаҳарларида бўлди, ҳамкасблари билан тажриба алмашиш билан бирга тарихий ёдгорликларни,

гўзал масканларни томоша қилди.

Ш.Ахмедова бошчилигидаги ахборот-кутубхона марказида кейинги йилларда 81 мингга яқин электрон каталоглар, тўла матнли маълумотлар базаси яратилди, 2011 йилда республикамизда биринчилардан бўлиб АКМ қошида "Ёш дастурчилар маркази"ни очишга муваффақ бўлди. 2002 йилда ишбилармон раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари билан АКМ қошида Гёте институтининг филиали очилган. Ушбу марказда халқаро анжуманлар, семинарлар, даъво ра суҳбатлари, ҳамкасблар учрашувлари ташкил этилиб боришмоқда.

Меҳнатқаш, камтарин Шаҳодат Ахмедова рўзғорда ҳам тадбиркорлик билан иш юрлатади. Унинг икки ўғли, олти набираси бор.

## ПРОВОДЯТСЯ РАБОТЫ

### ПО ВНЕДРЕНИЮ ГИБРИДНЫХ ДЕНЕЖНЫХ ПЕРЕВОДОВ

В настоящее время к существующей сети электронных денежных переводов ОАО "Узбекистон почтаси" подключено 945 отделений и узлов почтовой связи.

Сеть ЭДП даёт возможность осуществлять быстрые, надёжные и гарантированные переводы денежных средств между всеми подключенными объектами.

В целях дальнейшего совершенствования технологии переводных операций, развития системы почтовых денежных переводов, ускорения сроков их пересылки, повышения качества обслуживания клиентуры начата работа по внедрению гибридных денежных переводов.



На первоначальном этапе прием гибридных денежных переводов будет осуществляться только в областных центрах, Ташкентском почтамте, и Ангренском узле почтовой связи Ташкентского филиала. Оплата будет производиться во всех объектах почтовой связи. В ближайшее время планируется открыть прием гибридных денежных переводов во всех объектах почтовой связи.

pochta.uz

### УЧАСТНИКИ ТРЕНИНГА

## ПОВЫСИЛИ ЗНАНИЯ

С 28 февраля по 3 марта 2012 года Проектом ПРООН "Поддержка системы местного управления: гражданское участие и партнерство" был начат пятидневный тренинг на тему "Стратегия информационной службы хокимията", целью тренинга явилось повышение эффективности действия Информационной службы хокимиятов Джизакской и Наманганских областей. В ходе первых двух дней тренинга участниками были определены основные цели, задачи и функции Информационной службы (ИС). Специалисты тренинга Венера Эрметова, Гульноза Хусанова и консультанты по ИС Мадина Турдиева и Отабек Эшматов корректно и эффективно объясняли участникам тренинга, в чем состоит суть деятельности Информационной службы хокимията. При объяснении данной темы тренерами использовались различные педагогические и психологические методики, такие как проведение различных игр, визуальные и наглядные материалы. Изучение данной тематики происходило поэтапно с закреплением материала

и было достаточно познавательным и интересным, а главное доступным, что является важным элементом предоставления информации. По окончании первой части тренинга было определено, что Информационная служба — это подача информации обществу, обмен и обратная связь между обществом и хокимиятом. Для практического закрепления материала были организованы поездки в Информационный Центр ООН, в Национальное информационное агентство Узбекистана и в Торгово-промышленную палату Узбекистана. В ходе данных визитов участниками было приобретено множество практических знаний о работе Информационной службы.

На будущее можно сделать вывод о том, что приобретенные знания участники тренинга с легкостью смогут реализовать полученные знания на практике.

**Рустам ЮЛЬЧИХАНОВ,**  
специалист Информационной службы  
хокимията г.Намангана

### КОРОТКО...

● В минувшую среду ценные бумаги Apple подорожали до \$542,4, в результате чего рыночная стоимость компании достигла \$506 млрд.

"Яблочная" империя стала шестой американской компанией, капитализация которой перевалила за полтриллиона долларов. Нефтяная корпорация Exxon Mobil показала такой результат в конце 2007-го; сейчас рыночная стоимость этой компании составляет приблизительно \$411 млрд.

Капитализация Microsoft достигала \$500 млрд в 1999 году, а в 2000-м на непродолжительное время даже превысила \$600 млрд. В настоящее время рыночная стоимость редмондской империи равна \$266 млрд.

В начале прошлого десятилетия отметку в полтриллиона долларов также преодолевали Intel, Cisco Systems и General Electric. Сейчас рыночная стоимость этих компаний составляет соответственно \$136, \$109 и \$200 млрд.

● Во время конференции по вопросам компьютерной безопасности CanSecWest (7-9 марта; Ванкувер, Канада) корпорация Google проведёт соревнование Pwnium по поиску уязвимостей в браузере Chrome.

Суммарный призовой фонд, как сообщается, может составить до \$1 млн. Эти деньги разделит на вознаграждения в размере \$60, \$40 и \$20 тыс. в зависимости от того, какой метод участники состязания будут использовать для обхода защиты.

Все победители получат также портативный компьютер Chromebook.

● Впервые веб-обозреватель, встроенный в операционную систему Android, обогнал по популярности мобильную версию Opera: доли этих продуктов в прошлом месяце составили соответственно 22,7 и 21,7%. Для сравнения: в феврале 2011-го Android-браузер занимал 14,7% мирового рынка, а Opera — 21,2%.

Веб-обозреватель коммуникаторов iPhone, год назад находившийся в рейтинге на втором месте с долей в 18,1%, теперь на третьей строке с результатом в 21,1%.

● Корпорация Microsoft через сообщила о том, что в течение 24 часов с момента выпуска публичной тестовой версии Windows 8 было скачано более миллиона её копий.

Операционная система Windows 8 Consumer Preview была представлена в среду, 29 февраля, президентом подразделения Microsoft по платформам Windows Стивенем Синофски (Steven Sinofsky).

Пока пользователям предлагается тестовая версия Windows 8 для x86-совместимых процессоров. Позднее выйдет редакция для ARM-архитектуры.

● Компания Cisco обнародовала прогноз по развитию мобильных сетей передачи данных на период до 2016 года.

Авторы отчёта полагают, что в ближайшие пять лет общемировой объём мобильного интернет-трафика вырастет в 18 раз, достигнув в 2016 году 10,8 экзбайта в месяц (один экзбайт равен 1 024 петабайтам, или примерно 1,1 млрд Гб). Для сравнения: в 2011-м этот показатель равнялся 0,6 экзбайта в месяц.



## НОВАЯ УСЛУГА

### "МИР SMS" ДЛЯ АБОНЕНТОВ ТАРИФНОГО ПЛАНА "ЗВОН'ОК"

Подключение услуги "Мир SMS" позволит абонентам компании, которые обслуживаются на тарифном плане "Звон'ОК", ежедневно отправлять по 150 исходящих SMS-сообщений по Узбекистану за абонентскую плату \$0,15 в день. При этом стоимость активации услуги также составляет \$0,15.

"Запуск новой услуги является частью комплексной программы МТС по персонализации предложений для различных категорий пользователей. В рамках этой программы, наши абоненты, которые в силу обстоятельств практически не пользуются голосовыми услугами и предпочитают общаться с помощью передачи SMS-сообщений, смогут не ограничивать себя в общении и всегда оставаться на связи благодаря нашему новому сервису "Мир SMS", — отметил заместитель генерального директора по коммерции "МТС-Узбекистан" Н.Шадманов.

Активировать услугу "Мир SMS" можно:

- Отправив USSD-команду \*111\*0411#;
- Отправив SMS с цифрой 1 на номер 616041;
- Посредством услуги "Мобильный помощник \*111#";
- С помощью "Интернет помощника";
- Обратившись в собственные офисы компании с письменной заявкой.

● Объявление

### Турфирма "INTUR-OSIYO"

- ✦ Малайзия, Таиланд, Вьетнам, о.Бали, Китай, Чехия;
- ✦ Страны СНГ, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, КИЕВ и др.;
- ✦ Турция, Египет, ОАЭ, Индия (Гоа), Мальдивы;
- ✦ ОТДЫХ В ГОРАХ (корпоративно и индивидуально);
- ✦ Экскурсии по Ташкенту (индивидуально и в группе);
- ✦ Поездки в Самарканд, Бухару, Хиву;
- ✦ Бронирование авиабилетов и отелей по всему миру.

Ташкент, ул.Буюк Ипак йули, 115,  
тел.: / факс (99871) 268-14-83, тел.: 268-74-99,  
268-72-23, (+99893) 387-79-49.  
Услуги лицензированы Т-ВС-1948.

● Компания LG Electronics на выставке Mobile World Congress 2012 впервые в мире продемонстрировала систему Voice-to-Video для мобильных сетей четвертого поколения LTE.

Технология Voice-to-Video позволяет переключаться между режимами передачи голосовых данных высокого качества и видео высокого разрешения. При этом телефонный разговор не прерывается.

● Число устройств с мобильным веб-подключением в 2012 году превысит население Земли.

Средняя скорость передачи данных в мобильных сетях к 2016-му вырастет практически на порядок — с нынешних 315 кбит/с до 2,8 Мбит/с. Средняя скорость подключения коммуникаторов к мобильным сетям при этом увеличится с 1,3 до 5,2 Мбит/с.

Дарҳақиқат, илм йўли машаққатли йўл. Ким бу йўлни матонат, сабр-тоқат билан босиб ўтса, у нурли манзилларга элтиши ҳам рост гап. Бунга "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасининг Хужжат айланиши ва менежмент тизининг ривожлантириш илмий тадқиқот бўлими етакчи илмий ходими Лавиза ИСХАҚОВА ҳаёти ёрқин мисолдир.

Лавиза Фуатовнанинг асл касби форс ва инглиз тили ўқитувчиси. 1978 йилда Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факултетини тугатган. Етти йил ҳарбий кимслардан бирида ўқитувчилик қилган Лавиза Исхақова икки йил давомида Тошкент Давлат юридик институти аспирантурасида ўқиб, ҳуқуқшунослик касбини ҳам эгаллади ва ишнини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтида давом эттирди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институтида бўлим бошлиғи, Тошкент Давлат юридик институтида доцент, Амалдаги конунчилик бўйича мониторинг институтида бўлим бошлиғи, Ўзбе-

кистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида кафедра бошлиғи, докторант, ЎзМУда кафедра мудири, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказда халқаро бўлим бошлиғи каби масъулиятли вазифаларда самарали меҳнат қилди.

Бу йиллар давомида Лавиза Фуатовна оила, давлат ишларидан вақт орттириб, ўқиб-изланди. 60дан ортиқ илмий ишлари чоп этилди. Улар ичида катор илмий мақолалар, монографиялар, шунингдек, Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги илмий ва халқаро ҳуқуқ нормаларига, Болалар

ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича республика конунига, Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича умумжаҳон декларациясига илмий шарҳлар мавжуд.

Лавиза Исхақованинг бир нечта мақола-лари хо-

риж илмий юридик журналларида ҳам босилиб чиқди.

— Миллий давлатчилик барқарорлиги, миллий хавфсизлигининг ҳуқуқлари каби мавзулар менинг қизиқишим доирасидаги масалалардир, — дейди қаҳрамонимиз. — Ана шу қизиқиш сабаб номзодлик диссертациясига ҳам қўл урдим — 1994 йилда Афғонистон миллий давлатчилигининг шаклланиши (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот) мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилиб, юридик фанлари номзоди бўлдим.

Лавиза Исхақова тиниб-тинчимайдиган аёл. Унинг нафақат кунги, ҳатто дақиқалари ҳам ҳисобли. У корхонадаги фаолиятдан ташқари, ИИБ Академиясида халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари фанларидан дарс бериш билан бирга телекоммуникация ва ахборотлаштириш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борапти, шунингдек, ушбу соҳадаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам фаол иштирок этапти.



## Олима, оқилта, меҳрибон ...

Хаётда шундай аёллар борки, Яратган уларни ҳеч нарсадан — ақлу заковатдан ҳам, хусну малоҳатдан ҳам, меҳру мурувватдан ҳам кам қилмаган. Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган яна бир саҳифамиз ана шундай аёллар ҳақида. Улар "UNICON.UZ" давлат унитар корхонасида самарали меҳнат қилиш билан бирга, ўзларининг олималик ишлари билан ҳам жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



## Ёш олима Маҳмуда

Мамлакатимизда аёлларнинг ўқиб-изланишлари, эркаклар билан бир сафда меҳнат қилиб, ишда юкори чўққиларини забт этишлари, фарзандларини баркамол вояга етказишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Бундан унумли фойдалана ва кадрига ета билган аёлларимиз вақтини беҳуда нарсаларга сарф этишдан йироқ ҳолда ўқиш ва ишда юкори натижаларга эришмоқдалар, қўлга қиритган ютуқлари орқали барчанинг хавасини келтирмоқдалар. Ана шундай аёллардан бири корхона криптография илмий тадқиқот бўлими етакчи илмий ходими Маҳмуда НАЗАРОВАдир.

Маҳмуда 1972 йили Тошкент шаҳрида, зиёлилар оиласида таваллуд топди. Тошкент политехника институти ўқитувчиси Хусниддин Назаров ҳамда болалар шифокори Мавжуда Саидқориевалар фарзандлари, жумладан, Маҳмуданинг ҳам ўзалари каби эл иши учун фидойи инсон бўлиб вояга етишини истаб хали бола пайтидаёқ мустаҳкам замин яратишди.

— Мактабни битириб, Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга кирдим, — дейди Маҳмуда Назарова. — Кейинчалик математика йўналиши бўйича университет аспирантурасида таҳсил олдим.

"UNICON.UZ" ДУКга 1998 йилда ишга келдим.

Корхонада Тармоқларнинг дастурий таъминоти бўлимида иш бошлаган Маҳмудадаги қатъият, ўзига ва бошқаларга талабчанлик фазилатларини пайкаган раҳбарият уни 2001 йилда Ахборот хавфсизлиги бўлимига лаборатория бошлиғи вазифасига ўтказишди. Кейинчалик у масъул вазифа — Криптография илмий тадқиқот бўлими етакчи илмий ходимлигини қабул қилиб олди. Маҳмуда ишлаб туриб, илм билан ҳам жиддий шуғулланди. 1998 йилда дифференциал тенгламалар йўналишида иш олиб бориб, номзодлик диссертациясини химоя қилди.

Физика-математика фанлари номзоди, ёш олима Маҳмуда Назарова ўзи вояга етгани каби зиёли бир оиланинг бекаси. Турмуш ўртоғи, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти Баҳодир Иброҳимхўжаев билан биргаликда икки нафар фарзандни вояга етказишмоқда.

Оила, давлат иш билан биргаликда ўз устида ишлаб, олималик даражасига эришишининг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун инсонда хоҳиш, интилиш кучли бўлмоғи лозим. Ана шу фазилатлар Маҳмудани янги марралар сари чорламоқда.

## У барчага ўрнак

Ойдин АХМЕДОВА корхонанинг криптография илмий тадқиқот бўлими бошлиғи. Унинг ушбу корхонада меҳнат қилаётганига ўн йилга яқинлашди. Дастлаб етакчи муҳандисликдан иш бошлаган Ойдинхон ўзидagi билим, интилиш, вазифа масъулиятини чуқур хис қилиши туфайли хизмат пиллапояларидан аста-секин юкорилай бошлади. Бир неча йил лабораторияни бошқаргач, унга етакчи бўлим ишониб топширилди. Бу йиллар давомида Ойдин Ахмедова илмий иш билан ҳам шуғулланди. Криптография йўналиши бўйича параметрлар алгебраси асосида носимметрик криптограмм яратиш усули ва алгоритмлари мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилиб, техника фанлари номзоди унвонига эга бўлди. Ойдин корхона илмий кенгашининг илмий котиби ҳамдир.

— Оилада тўққиз фарзанд вояга етдик, — дейди Ойдинхон. — Отам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Пулат Хасанов ҳамда умрини болалари тарбияси, оила юмушларига бағишлаган онам Раънохон биз фарзандларга меҳр бериш билан бирга, қаттиққўллик билан тарбия қилишди. Оилада олти нафаримиз алоқа соҳасида фаолият юритяпмиз. Юлдуз онам ва Нодира синглим олийгоҳларда информатика фанидан

дарс беришади. Хислатжон укам корхонамизда бошлиқ ўринбосари. Санъатжон ва Зафаржонлар "Ucell" компаниясида масъул вазифаларда ишлашади. Отам 75 ёшларида ҳам тийрак ақл, ғайрат-шижоат билан корхонамизда ҳамон меҳнат қилмоқда.

Ҳа, илмга ташналик, зиёга интилиш ҳуқумролик қилган гўшада вояга етгани бонс Ойдин Ахмедова ўз оиласида ҳам ана шундай муҳит ярата олди. У Қибрай тумани "Мусаффо ҳаёт" корхонасида бошлиқ бўлиб ишловчи турмуш ўртоғи Шерзод Ахмедов билан тўрт нафар фарзанднинг ота-онаси. Катта ўғил алоқачи — "Билдинг Телеком" корхонасининг етакчи муҳандиси. Нилуфархон тиббиёт ҳамшираси. Моҳира, Фотиما ва Хусан мактабда ўқишади.

— Ойдин Ахмедова ўзининг одоб-ахлоқи, ишга бўлган муносабати билан барчага намуна, — дейди "UNICON.UZ" ДУК Миллий воя тарғиботи ва маънавият-маърифат ишлари бўйича масъул ходими Муборак Ғофурова. — Ахир ҳам оила, ҳам масъул вазифани моҳирона адо этиб, илм билан ҳам шуғулланишининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аёлда мустаҳкам ирода, сабр-тоқат, ақлу заковот мужассам бўлмоғи лозим. Ойдинхонда бу хислатлар уйғуллашиб кетган. Шунинг учун ҳам у барчага ўрнак.



**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ  
ЖАМОАСИ**

**8 март**

**Халқаро хотин-қизлар айёми билан  
муътабар онахонларимизни, қадрли опа-  
сингилларимизни самимий қутлайди.**

**Муҳтарам аёллар!**

**Хонадонингиздан ҳеч қачон  
тинчлик-тотувлик, қут-барақа  
аримасин!**

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК**

**“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ  
ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Мамлакатимиз  
аёлларини**

**Халқаро хотин-қизлар куни  
билан муборакбод этади.**

**Байрамингиз муборак бўлсин!**

**Хушнудликлар  
тилайман, сизга**

Юртимизда мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ ахборот технологиялари ривожига жиддий аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, кейинги йиллар бу борада улкан зафарларга бой бўлди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 2011 йил бекиёс янгилар йили сифатида тарих саҳифаларида қолиши табиийдир.

Телекоммуникация тармоқлари ва восталарини ривожлантириш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда бизнинг филиалимизда ҳам белгиланган вазифалар масъулият билан адо этиб келинмоқда. Халқаро каналнинг ўтказиш қобилияти тезлашиб, интернет хизматларидан фойдаланувчилар сони кескин ошди. Хаётимизга рақамли телевидение, IPTV каби кўплаб хайратланарли янгилар кириб келди. Энди яна янги лойиҳани амалга оширишга киришдик.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бу яратувчилик ишларида биз аёлларнинг ҳам ҳиссамиз катта бўлмоқдаки, биз бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Лекин шуни ҳам айтишим керакки, эришган муваффақиятларимиз билан кифояланиб қолмасдан тобора ғайратимизга ғайрат кўшиб ишлашимиз зарур. Диккат қилсангиз, Юртбошимиз ҳар бир долзарб масала юзасидан маъруза қилса, ахборот технологиялари мавзусига албатта тўхталади ва маърузадан бизнинг, яъни телекоммуникация соҳасида хизмат қилаётган аёлларнинг зиммасидаги вазифалар аниқ-равшан намоён бўлади-қолади. Компаниямиз иқтисодий кудратини ва обрў-нуфузини оширишдек шарафли мақсад биздан ўн баравар кўпроқ ғайрат ва шижоат билан ишлашни, ким

бўлишимиздан қатъи назар, ёшми, каттамлигимиз, дақиқалар ичида юз бераётган янгиларни кўздан қочирмай, интилиб, ўқиб, ўрганиб, ўргатиб яшаш ҳам қарз, ҳам фарзидир. Билимларимиз билан ички гўзаллигимизни бойитганимиз сайин ташқи кўринишимиз ҳам ўз-ўзидан гўзаллашиб бораверади. Эраклар билан бир сафда янги техника ва технологиялар билан ишлаётган бўлсакда аёл эканлигимизни унутмайлик. Ҳар бир ишимизга аёллик назоқатини олиб қирайлик. Токи бизларнинг меҳр тафтимиздан барча ҳамкасбларимизнинг қалблари мусоффо бўлсин, меҳнатларимиздан мадад олиб, бизларнинг камтарона сўзларимиз-йўриқларимизга ҳам кулоқ тутсинлар. Шукрки, орамизда ана шундай удли-шудли нафосат ва шижоат соҳиблари талайгина. Муборак байрамларда филиалнинг энг етакчи бўлимини бошқариб келаётган Элвир Отажонова, Кўкон телекоммуникациялар боғламасида “Моҳир алоқачи” унвони соҳибаси Гулчехра Нормуҳаммадова, филиал катта назари Манзура Хожийўлдоева, Марғилондан Асалхон Мамажонова ҳамда Қувасойдан Садоқатхон Икромовалар номини гурур билан тилга оламиз.

Юртимизнинг барча алоқачи аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан қутлаб, ўз салоҳиятларини тўлиқ ишга солиб, ёруғ юз билан яшаш бахтини тилайман. Навбахорнинг инжа байрами илоҳим сиз азизларга битмас-туганмас хушнудликлар ҳада этсин.

**Азизахон АБДУЛЛАЖОНОВА,  
“Ўзбектелеком” АК  
Фарғона филиали тижорат директори**

Бизнинг Ватанимизга муносиб, комил инсонлар бўлиб етишишимизда фидойи, жонкуяр устозларимизнинг ҳиссаси бекиёсдир. Шу ўринда университетимизнинг ибратли муаллималаридан бўлган Гулмира ТУЛЕНОВА ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Устознинг ўтаётган дарсларидан касбига бўлган ихлоси, муҳаббатини англаб олиш қийин эмас.

**Устозимиз —  
фахримиз!**

Г.Туленова Тошкент Давлат университетининг журналистика факултетини ва аспирантурани тамомлаган. Унинг меҳнатга бўлган фидойилиги мавқени кўтара борди. Бу йўлда Г.Туленова ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1993 йилдан университетимизда “Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси, кафедра доценти, “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири вазифаларида фаолият олиб борди. Шу билан бирга, ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Устоз 2008 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача ТАТУнинг “Фалсафа” кафедраси мудири лавозимида ишламоқда. Мазкур кафедра қатор нодавлат-нотижорат тапшилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан 20дан ортиқ монография ҳамда 100дан ортиқ мақолалар чоп этилган. Бундан ташқари, Гулмира опа Европа, МДХ, Марказий Осиё мамлакатларида бўлиб ўтган қатор халқаро анжуманларда маърузалари билан иштирок этган.

Гулмира Туленова 120дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, 13та монография, 7та брошюра, илмий журналларда 20та илмий мақола, 60тадан ортиқ тезислар билан халқаро, республика миқёсида ва минтақавий илмий конференцияларда катнашиб, улардан ижтимоий фалсафа, маданият, ёшлар сиёсати оид муаммолар ва демократик жараёнлар ҳақидагилари ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилган.

Устознинг ҳар бир ўғити, бераётган таълим-тарбияси талабалар қалбини нурларга тўлдирishi шубҳасиз. Жонкуяр, устозимиз Гулмира Туленовани 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклаймиз.

**Ситорабону УСМОНБЕКОВА,  
ТАТУ талабаси**

Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидоғи ахборот-ресурс маркази томонидан ўтган йиллар давомида кўплаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида буларнинг кўлами янада ошди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиш, шунингдек, аҳолини янада кенгрок ва тизимли ахборот билан таъминлаш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида тадбирлар орқали кенг аҳоли ўртасида тарғибот ишлари амалга оширилди.

2011 йил давомида вилоят ахборот-ресурс маркази ҳамкорликда хизмат ҳудудида жойлашган Наманган Давлат университети, шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1, 5, 6, 7, 13, 18, 11, 31, 34, 40, 45-умумтаълим мактаблари, 6, 26-мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари, Наманган шаҳар 26-Мехрибонлик уйи ҳамда ахборот-ресурс марказлари атрофида истикомат қилувчи аҳолининг ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжлари кутубхона ахборот-ресурсларидан унумли фойдалан-

ган ҳолда қондирилди. Маънавий-маърифий тадбир ўтказишда уларнинг янги шакллари излаб топиб, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш борасида юқоридаги муассасалар, ўқувчилар ва тарбияланувчиларни марказга жалб этиш, уларда мустақил фойдаланувчи-ўқувчи кўникмаларини шакллантириш, ўқишга истак ва талаб ҳиссини уйғотишда амалий ёрдам беришга асосий эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари (маълумот, электрон базалар, интернет ресурслари) асосида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, уларга ўзига зарур ахборотни қидириш ва танлаш, баҳолаш кўникмаларини тарбиялаш, ахборот библиографик аппаратидан фойдаланиш, ўқув муассасаларидаги ўқув дастурларини ўзлаштиришда, мустақил билим олишларига қўмаклашиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда турли маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, фойдаланувчиларда миллий истиқлол роясини шакллантириш ва улар онгига синдириш, ахборот-ресурс маркази ходимларининг иш фаолияти учун кулай шароитларни яратиш каби вазифалар ҳам амалга оширилди.

### Маълумот ўрнида:

Марказда жами адабиётлар соҳалар бўйича 470222тани ташкил этади. Интернетдан фойдаланувчилар сони — 3159 нафар. Кўрсатилган ахборот хизмати — 39049та. Марказда 29 нафар олий, 195 нафар ўрта-маҳсус ва бир нафар ўрта маълумотли мутахассислар фаолият юритмоқда. Китобхонлар сони 111783 нафарни ташкил этади.

Бир-бирларининг иссиқ-совуғида бирга бўлиш, қўйинги, барча урф-одатларимиз борки, ахиллик-биродарлигимизни кучайтиради. Менинг ҳам ишхонамдагиларга меҳрим бўлакча. Очиги, мен ҳаммага ҳамнафас бўлишдек хислатлар учун Марҳабатхон опадан ҳар қанча миннатдор бўлсам арзийди. Опа қорхонамизда иш бошлаган илк кунлариданоқ асл ўзбекона фазилатлари билан кўнглилардан ўрин эгаллаган эдилар. Ҳаммага нафим тегса, дарду қувончларига шерик бўлсам деган истак шундоқкина очик қиройларидан сезилиб турарди. Мени, айниқса, шанба демай, якшанба демай ишлайверишлари ҳайратлантирарди. Одам ажратмаслиги, ҳаммани ўзига яқин олиши ҳам менга жуда ёқарди. Хар жабҳада опага ўхшагим келарди. Узукун бир нарсдан норизо бўлиб

юрардим ёшларга "Агар одам сидқидилдан истаса, албатта, бахтли бўлади" дея йўл-йўриқ кўрсатиб, қанча қанчамизни тўғри йўлга бошлаган.

Оилавий ҳаётда ҳам, иш фаолиятимда ҳам муаммоли вазиятларга дуч келсам, дарҳол Марҳабатхон опанинг йўл-йўриқларига қулоқ тутаман. Қарангки, маслаҳатлари шарофати туфайли яна дилим файзли, хотиржам бўлади-қолади. Хонадонимизга қуда-андачилик, элу юрта дастурхон ёзишдек ёқимли ташвишлар ташриф буюрганда ҳам устозимнинг олтиндан қиммат маслаҳатларига суяндим.

**Таъкидлаш жоизки, китобхонлар билан яқка тартибда ишлашнинг барча шаклларида унумли фойдаланган ҳолда иш олиб борилмоқда ва бу ўзининг ижобий самарасини берапти.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, китобхонлар билан яқка тартибда ишлашнинг барча шаклларида унумли фойдаланган ҳолда иш олиб борилмоқда ва бу ўзининг ижобий самарасини берапти. Жумладан, ҳар бир келган китобхон билан ўқиган китоби юзасидан суҳбатлар, кизиқишларини ўрганиш мақсадида анкета сўровномалари ўтказилмоқда.

Ўтган йили ахборот-ресурс марказида "Жаҳон халқлари овзаки ижоди биланонлари", "Энг фаол китобхон", "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази мутахассиси", "Мустақиллик мадҳи болалар ижодида" кўрик-танловлари, турли семинарлар, "Мактаб-кутубхона-оила-жамоат" хайрия тадбири, 58та китоб тақдими, 109та ижодий кеча, 826та давра суҳбати, 125та савол-жавоб кечаси кўтаринки руҳда ўтказилди.

Вилоят Адлия бошқармаси, "Камо-

лот" ЁИХ вилоят кенгаши, Наманган шаҳар халқ таълими бўлими, вилоят ўлкани ўрганиш музейи, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят телерадиокомпанияси, вилоят "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Болалар" хайрия жамғармалари, вилоят "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, вилоят "Шарк" телевидениеси, вилоят "Соғлом авлод — Болалар ижодиёти" маркази билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

2012 йилнинг январ ойидан бошлаб кўплаб оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Наманган ҳақиқати", "Мураббий", "Болалар дунёси" газеталари ва "Олтин замин" радиоси билан ҳамкорликда "Кўп китоб ўқиган бола дунёни билади", "Оила билан кутубхонанинг ҳамкорлиги" каби қатор мавзуларда ойлик эшиттиришлар ташкил этилиб, тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур хайрли ишларни амалга оширишда марказ директори Н. Муратова, сервис хизмати йўлга қўйиш, реклама фаолиятини яхшилаш соҳасида Олима Эралиева (Наманган тумани), Турғу Тожиёв (Чўст), Махмуд Мамадалиев (Учкўрғон) ва Феруза Отамирзаева (Янгиқўрғон), марказ янги ахборот технологиялари ва интернет бўлимида Дилшод Султонов, бош кутубхоначи Рима Сафарова, китоб сақлаш бўлими бошлиғи Сония Заримова, илмий услубчи Исмаилов Ёқубжоновлар фидойилик қилишмоқда.

Пўлат ҲАМДАМ,  
"Xabar"нинг Наманган  
вилоятидаги муҳбири

## Агар одам истаса

Албатта, бахтли бўлади, дейди устоз

зимнинг хизматлари бекиёсдир.

Бир кулиб, бир ковоқ уюб турадиган энг гўзал фаслнинг ўнинчи кунинда таваллуд топган бўлсалар-да, ҳаммаша юз-кўзларидан донолик, нурунийлик табассуми аримайдиган устозимизни 60 баҳорлари билан муборакбод этиб, у кишига зиёда умр, фарзандлар роҳат-фароғатини кўришликни тилаймиз.

**Жамоа аъзолари номидан  
Хатимахон ГОФУРОВА,  
Фарғона вилоят  
"Матбуот тарқатувчи"  
шўъба қорхонаси ходими**

### ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"AVTOALOQA" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ телерадиодастурлар тарқатиш тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003392 рақамли;

"O'ZBEKINVEST" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003515 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 1 мартдан тугатилди.

### Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали жамоаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси филиалнинг фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик ишлари бўлими бошлиғи Илшат ГИМАДИЕВ ва хўжалиқ ишлари бўлими мудири Ҳабибулло ОМОНОВни муборак 60 ёшга тўлиши муносабати билан сўлимий табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

Ўзбекистон почтаси" ОАЖ

Фарғона филиали жамоаси Марғилон шаҳар почта алоқаси тармоғи ходими Убайдулло МАДМАРОВни 60 баҳори, Учкўрғон туман почта алоқаси тармоғи ходими Абдужаббор РЎЗМАТОВни 50 баҳори билан чин дилдан табриклайди. Уларга соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар ҳузур-ҳаловатини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона туман телекоммуникациялар боғламаси ходимлари Расилхон УЗАҚОВни 60 баҳори ҳамда Муқаддасхон ТЕШАБОВЕВни 50 баҳори билан сўлимий табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахти қамолини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалининг 8-боғламаси жамоаси участка бошлиғи Бўри ХУДОЙБЕРДИЕВни қўтлуғе 60 ёшини қарши олиши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилайди.

**"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ томонидан**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли қарорига асосан 2012 йил 13 февралдан 27 февралга қадар сотилган ер участкалари тўғрисида

**МАЪЛУМОТ**

т/р	Объект номи	Ер майдони манзили	Ер майдони (м <sup>2</sup> )	Танлов ўтказилган сана	Сотилган сума (сўм)
1	Маиший хизмат кўрсатиш биноси	Бухоро тумани, Шехонча ҚФЙ Дехқабети қишлоғи	80 кв.м	13.02.2012 й.	250 000
2	Ишлаб чиқариш цехи биноси	Бухоро тумани, Кучкумар ҚФЙ Миқжона қишлоғи	80 кв.м	13.02.2012 й.	400 000
3	Ишлаб чиқариш цехи биноси	Бухоро тумани, Кучкумар ҚФЙ Миқжона қишлоғи	140 кв.м	13.02.2012 й.	500 000
4	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбчалари куриш учун 1-сонли ер участкаси	Бухоро тумани, Кучкумар ҚФЙ Миқжона қишлоғи	80 кв.м	13.02.2012 й.	200 000
5	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбчалари куриш учун 2-сонли ер участкаси	Бухоро тумани, Кучкумар ҚФЙ Миқжона қишлоғи	140 кв.м	13.02.2012 й.	200 000
6	Кондитер маҳсулотлари и/ч цехи	Ромитан шаҳри, Нурафшон кўчаси	150 кв.м	20.02.2012 й.	388 000
7	Чойхона	Ромитан шаҳри, Нурафшон кўчаси	240 кв.м	20.02.2012 й.	700 000
8	Новвойхона	Ромитан шаҳри, Нурафшон кўчаси	172 кв.м	20.02.2012 й.	140 000
9	Уяли алоқа хизмати	Ромитан шаҳри, Нурафшон кўчаси	64 кв.м	20.02.2012 й.	100 000
10	Минимаркет	Ромитан шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси	64 кв.м	20.02.2012 й.	500 000
11	Маиший хизмат кўрсатиш	Ромитан шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси	64 кв.м	20.02.2012 й.	350 000
12	Интернет-клуб	Ромитан шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси	64 кв.м	20.02.2012 й.	350 000
13	Чойхона биноси	Ромитан ҚФЙ Богча қишлоғи	184 кв.м	20.02.2012 й.	3 000 000
14	Маиший хизмат кўрсатиш	Ромитан ҚФЙ Богча қишлоғи	160 кв.м	20.02.2012 й.	3 000 000
15	Тиш даволаш хусусий шифохонаси	Ромитан ҚФЙ Богча қишлоғи	154 кв.м	20.02.2012 й.	3 000 000
16	Дорихона биноси	Ромитан ҚФЙ Богча қишлоғи	124 кв.м	20.02.2012 й.	2 700 000
17	Маиший хизмат кўрсатиш	Ромитан ҚФЙ Уба қишлоғи	126 кв.м	20.02.2012 й.	400 000
18	Дорихона биноси	Ромитан ҚФЙ Уба қишлоғи	120 кв.м	20.02.2012 й.	350 000
19	Ҳўжалик моллари сотиш биноси	Ромитан ҚФЙ Уба қишлоғи	76 кв.м	20.02.2012 й.	100 000
20	Гўзаллик саломи	Ромитан ҚФЙ Уба қишлоғи	76 кв.м	20.02.2012 й.	200 000
21	Уяли алоқа хизмати	Ромитан т., Чилонгу ҚФЙ Тошрабат қишлоғи	64 кв.м	20.02.2012 й.	120 000
22	Тиш даволаш хусусий шифохонаси	Ромитан т., Чилонгу ҚФЙ Тошрабат қишлоғи	124 кв.м	20.02.2012 й.	250 000
23	6-савдо дўкони	Ромитан т., Чилонгу ҚФЙ Тошрабат қишлоғи	114 кв.м	20.02.2012 й.	200 000
24	7-савдо дўкони	Ромитан т., Чилонгу ҚФЙ Тошрабат қишлоғи	64 кв.м	20.02.2012 й.	200 000
25	Кондитер маҳсулотлари и/ч цехи	Ромитан шаҳри, Нурафшон кўчаси	172 кв.м	27.02.2012 й.	250 000
26	Гўзаллик саломи	Ромитан шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси	154 кв.м	27.02.2012 й.	210 000
27	Новвойхона	Ромитан шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси	174 кв.м	27.02.2012 й.	950 000
28	Озиқ-овқат дўкони	Ромитан т., Чилонгу ҚФЙ Тошрабат қишлоғи	64 кв.м	27.02.2012 й.	100 000
29	8-савдо дўкони	Ромитан т., Чилонгу ҚФЙ Тошрабат қишлоғи	64 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
30	Чойхона биноси	Ромитан тумани, Шўрча ҚФЙ Шўрча қишлоғи	600 кв.м	27.02.2012 й.	390 000
31	Минимаркет биноси	Ромитан тумани, Шўрча ҚФЙ Шўрча қишлоғи	80 кв.м	27.02.2012 й.	130 000
32	Гўзаллик саломи	Ромитан тумани, Шўрча ҚФЙ Шўрча қишлоғи	80 кв.м	27.02.2012 й.	110 000
33	Тиш даволаш хусусий шифохонаси	Ромитан т., Шўрча ҚФЙ Шўрча қишлоғи	180 кв.м	27.02.2012 й.	160 000
34	Уяли алоқа хизмати	Ромитан т., Шўрча ҚФЙ Шўрча қишлоғи	80 кв.м	27.02.2012 й.	95 000
35	Дорихона биноси	Ромитан т., Шўрча ҚФЙ Шўрча қишлоғи	140 кв.м	27.02.2012 й.	130 000
36	Чойхона биноси	Ромитан т., Богитуркон ҚФЙ Марказ	450 кв.м	27.02.2012 й.	180 000
37	Кондитер маҳсулотлари и/ч цехи	Ромитан т., Богитуркон ҚФЙ Марказ	246 кв.м	27.02.2012 й.	130 000
38	Минимаркет биноси	Ромитан т., Богитуркон ҚФЙ Марказ	124 кв.м	27.02.2012 й.	70 000
39	Тиш даволаш хусусий шифохонаси	Ромитан т., Богитуркон ҚФЙ Марказ	124 кв.м	27.02.2012 й.	90 000
40	Сартаронхона	Жондор шаҳри, С.Айний кўчаси	55 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
41	Гўзаллик саломи	Жондор шаҳри, С.Айний кўчаси	77 кв.м	27.02.2012 й.	235 600
42	Савдо дўкони биноси	Жондор шаҳри, С.Айний кўчаси	60 кв.м	27.02.2012 й.	287 700
43	Чойхона биноси	Жондор шаҳри, С.Айний кўчаси	300 кв.м	27.02.2012 й.	100 000
44	Савдо дўкони биноси	Жондор шаҳри, С.Айний кўчаси	66 кв.м	27.02.2012 й.	227 600
45	Гўзаллик саломи	Жондор шаҳри, С.Айний кўчаси	90 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
46	Савдо ва маиший хизмат уйи 1-сон	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	52,5 кв.м	27.02.2012 й.	55 000
47	Савдо ва маиший хизмат уйи 2-сон	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	52,5 кв.м	27.02.2012 й.	60 000
48	Савдо ва маиший хизмат уйи 3-сон	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	52,5 кв.м	27.02.2012 й.	60 000
49	Савдо ва маиший хизмат уйи 4-сон	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	52,5 кв.м	27.02.2012 й.	60 000
50	Савдо ва маиший хизмат уйи	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	52,5 кв.м	27.02.2012 й.	60 000
51	Савдо ва маиший хизмат уйи 6-сон	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	52,5 кв.м	27.02.2012 й.	200 000
52	Савдо ва маиший хизмат уйи 7-сон	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	52,5 кв.м	27.02.2012 й.	60 000
53	Автомобиллар юшиш цехи	Жондор тумани, Наврабат ҚФЙ Жуьсафед қишлоғи	75 кв.м	27.02.2012 й.	80 000
54	Савдо ва маиший хизмат уйи 1-сон	Жондор тумани, Қароли ҚФЙ Хўжадйрон қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
55	Савдо ва маиший хизмат уйи 2-сон	Жондор тумани, Қароли ҚФЙ Хўжадйрон қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
56	Савдо ва маиший хизмат уйи 3-сон	Жондор тумани, Қароли ҚФЙ Хўжадйрон қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	180 000
57	Савдо ва маиший хизмат уйи 4-сон	Жондор тумани, Қароли ҚФЙ Хўжадйрон қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
58	Савдо ва маиший хизмат уйи 5-сон	Жондор тумани, Қароли ҚФЙ Хўжадйрон қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	180 000
59	Ун ва ун маҳсулотлари дўкони	Жондор тумани, Қароли ҚФЙ Хўжадйрон қишлоғи	50 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
60	Гўшт дўкони	Жондор тумани, Қароли ҚФЙ Хўжадйрон қишлоғи	55 кв.м	27.02.2012 й.	180 000
61	Гўзаллик саломи	Жондор тумани, Ромиш ҚФЙ Оқрабат қишлоғи	78 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
62	Савдо дўкони биноси	Жондор тумани, Ромиш ҚФЙ Оқрабат қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
63	Мой алмаштириш устaxonаси	Жондор тумани, Ромиш ҚФЙ Оқрабат қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	150 000
64	Автотеххизмат	Жондор тумани, Ромиш ҚФЙ Оқрабат қишлоғи	144 кв.м	27.02.2012 й.	548 000
65	Камера ямаш	Жондор тумани, Ромиш ҚФЙ Оқрабат қишлоғи	60 кв.м	27.02.2012 й.	160 000
66	Савдо дўкони биноси	Бухоро тумани, Лоша ҚФЙ Хўжаробот қишлоғи	100 кв.м	27.02.2012 й.	150 000



**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

**Кафедра мудири:**

Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари; Телевидение ва радиоэшиштириш; Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари; Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти; Электр занжирлар назарияси; Олий математика; Компютер тизимлари; Физика; Жисмоний тарбия ва спорт.

**Профессорлар:**

Электроника – 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари – 1, Физика – 1.

**Доцентлар:**

Телевидение ва радиоэшиштириш – 1, Радиотехника ва радиоалоқа – 2, Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари – 1, Олий математика – 2, Ахборот хавфсизлиги – 1, Компютер тизимлари – 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти – 2, Информатика ва компютер графикаси – 1, Почта хизматини автоматлаштириш – 1, Компютер графикаси ва дизайн – 1, Теледиозиттириш студиялари ва жиҳозлари – 1, Чет тиллари – 2.

**Катта ўқитувчилар:**

Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари – 1, Телевидение ва радиоэшиштириш – 1, Радиотехника ва радиоалоқа – 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари – 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари – 1, Ахборот хавфсизлиги – 1, Ахборот технологиялари – 2, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти – 2, Чет тиллари – 2, Малака ошириш факултети – 1, Иқтисод – 1, Электрон тижорат – 2, Ўзбек ва рус тиллари – 1.

**Ассистентлар:**

Телевидение ва радиоэшиштириш – 1, Электроника – 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари – 1, Техник таълим педагогикаси – 1, Ўзбек ва рус тиллари – 1, Менежмент ва маркетинг – 1, Теледиозиттириш студиялари ва жиҳозлари – 1, Чет тиллари – 1, Физика – 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичда қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108–уй. Тел: 238–64–06.**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси Ангор почта алоқаси тармоғи бошлиғи Ўқтам Йўлдошевга падари бузруквори

**ХУДОЙҚУЛ БОБОНИНГ**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



# "Ўзбектелеком" АК

жамоаси

8 март

~ Халқаро  
хотин-қизлар  
айёми билан  
мўштабар  
онахонларимизни,  
қадрли опа-  
синилларимизни  
самимий қутлайди.

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА  
АХБОРОТЛАШТИРИШ  
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадхон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ,  
Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖБИДДИНОВ,  
Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари),  
Лутғилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиғи мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилиғига тахририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Навбатчи: Усмонжон ЙҲЛДОШЕВ.

**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2006 йил  
6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқадди

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Мавзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-352 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,  
Алали: 18289 нусха.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда  
226-47-80

Бухорода  
223-27-85

Гулистонда  
40-12-19

Жиззахда  
226-06-34

Навоийда  
225-91-10

Наманганда  
232-97-86

Нукусда  
554-35-45

Самарқандда  
233-61-81

Термизда  
224-06-12

Тошкентда  
288-40-66

Урганчда  
226-37-16

Фарғонада  
224-91-56

Қаринда  
314-08-99